ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

O'ZBEKISTON OQSOQOLLAR KENGASHI "MAHALLA"

# MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 17 (295) | 2002 йил 24 апрель, чоршанба. | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. | Сотувда эркин нархда

## «ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»:
# КЕЛАЖАК САРИ ЙЎЛ

***Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган ва анъанавий тус олган «Футболимиз келажаги» футбол турнири ўқувчиларнинг ёзги таътилини ҳақиқий футбол мавсумига айлантирмоқда.***

Масалан, ўтган йилги турнир мусобақаларида республикамиз бўйича қарийб бир миллион нафар болалар футбол майдонларига тушдилар. Ўтган мавсумларда Республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика Футбол Федерацияси, «Ўзтелерадио» компаниясининг «Ёшлар» телеканали «Давр» информацион дастури, «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракати ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, турнирни ўтказишда ҳамкорлик қилдилар. Ушбу йилдан эса бу ҳамкорлар сони Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий бошқаруви, «Соғлом авлод учун» ва «Экосан» халқаро жамғармалари ҳисобига янада ортди. Турнирдан кўзланган мақсад амалга ошиши, яъни - маҳалла болаларини футбол ўйинига жалб этиш орқали футболимиз келажагига замин яратишга эришишда ушбу ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари катта аҳамиятга эгадир. Энг муҳими, дунё миқёсида «миллионлар ўйини» номини олган футбол мамлакатимиз болалари орасида кундан-кунга оммавийлашиб бормоқда. Бунинг устига айни шу тадбир туфайли ёзда болалар ўртасида юз бериши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олинмоқда.

Айни кунларда республикамиз бўйлаб мазкур турнирнинг 2002 йилги мусобақаларига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Ушбу йилги турнир республикамиз мустақиллигининг 11 йиллиги ва Ўзбекистон футболининг 90 йиллигига бағишланади.

19 апрель куни турнир Ташкилий қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар, Тошкент шаҳри бўлимларининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти туманлари бўлинмаларининг раислари, «Камолот» Ёшлар ижтимоий Ҳаракати Марказий кенгаши ва унинг бўлимлари раҳбарлари, 2001 йилги турнирнинг ғолиб жамоалари мураббийлари, оқсоқоллар ҳамда турнирни ўтказишда ҳамкорлик қилаётган ташкилотларнинг мутасаддилари вакиллари иштирок этдилар.



*Миржалол ҚОСИМОВга маҳалла болалари ҳавас билан қарайди.*

2-саҳифада

## ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

**КУРАШ ҲАЛИ ОЛДИНДА**

**Ўтган якшанбада Францияда бўлиб ўтган президент сайлови кутилмаган натижа берди. Сайловнинг бу босқичида амалдаги президент Жак Ширак 19, 41, ультраўнг ашаддий миллатчи Жак Мари Ле Пен 17,19 фоиз овоз олишиб шу йилнинг 5 майида ўтказиладиган сайловнинг иккинчи даврасида қатнашадиган бўлдилар. Сайловнинг биринчи даврасидаги натижа мамлакат аҳолисини ва дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Мамлакатнинг турли шаҳарларида Ле Пеннинг сайланишига норозилик намойишлар бўлиб ўтмоқда.**

**ҚОЧҚИНЛАРНИНГ ҚАЙТИШИ**

Панж дарёси қирғоғида қарийб икки йилдан бери яшаб келган ўн мингга яқин афғон қочқинларининг охирги 320 оиласи ўз ватанларига кўчириллилар. Кўчирилган оилаларга вақтинча яшаш учун йиғма уй, кўрпа-тўшак ва 100 килодан ун берилди. Умуман ҳозир чет элларда тўрт миллионга яқин афғон қочоқлари бўлиб, шулардан Покистонда икки, Эронда бир ярим, бошқа мамлакатларда ярим миллиони дарбадарликда умр кечирмоқда.

**ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШДИ**

**Эрон президенти Саид Муҳаммад Ҳотамий душанба куни Ашхободга ташриф буюрган. Туркманистон президенти С.Ниёзов билан нефть ва газга тааллуқли масалаларни муҳокама қилади. Шунингдек у кеча бу ерда очилган Каспийбўйи беш давлат бошлиқларининг саммитида ҳам иштирок этади. Ушбу саммит иштирокчилари Каспий денгизи ҳавзасидаги газ ва нефть ресурсларини бўлиш масаласини муҳокама қиладилар. М.Ҳотамий йиғилишидан сўнг Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонга ҳам ташриф буюради.**

**СОЛИҚ КЎПАЙСА, ТАМАКИ КАМАЯДИМИ?**

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабарича ҳар йили 1 млн. 200 минг киши чекиш оқибатида ҳаётдан кўз юммоқда. Яқинда Варшавада бўлиб ўтган Европа давлатлари вакилларининг йиғилиши сигарета ишлаб чиқарувчилардан олинадиган солиқни кўпайтириш ва бу маҳсулоти реклама қилишни таъқиқлаш тўғрисида декларация қабул қилди.

**ЧЕКУВЧИЛАР ИШГА ОЛИНМАЙДИ...**

**Россия ҳукумати ҳам чекишга қарши кураш бошлаган. Чиқарилган қарорга мувофиқ бундан буён иш жойида чекканлар мамлакатдаги минимал иш ҳақининг 5-10 баробарида жаримага тортиладилар. Бироқ бунда жаримани чекканлар эмас, балки иш берувчилар тўлайдилар. Шунингдек, вояга етмаган болаларга сигарета сотганлар ҳам шунча жарима тўлашга мажбурлар.**

Хоразм вилояти

## «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ ТИЗИМЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ?

***Вилоят пойтахти Урганч шаҳрида «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, туман бўлинмалари фаолияти таҳлилига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда жамғарманинг вилоят бўлими ва туман, шаҳар бўлинмалари ходимлари, туманлар ҳокимлари ўринбосарлари, шаҳар бўлинмалари раислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари иштирок этди.***

Йиғилишни вилоят ҳокими муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ш.Жуманиёзова очди. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика Бошқаруви раиси А.Гадойбоев йиғилишда қатнашиб, сўзга чиқди. Сўзда таъкидландики, вилоятда бўлиб кузатувлар натижасида бу ердаги ижобий ҳолатлар билан бир қаторда қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам ниҳоятда кўп. Нотиқ бу ҳақда гапирар экан, вилоятда жамғарма фаолиятида, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида давр талаби, айниқса мамлакатимиз Президенти олдинга қўяётган мақсадлар даражасида иш юритишни йўлга қўйиш борасидаги кўзга ташланган камчиликлар ва унинг бартараф қилиш чоралари хусусида батафсил тўхталди.

Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққанлар бу борадаги ўз таклифларини ҳам айтишди.

**Мухбиримиз.**

## ПОСБОНЛАРИМИЗ ҲАМИША ҲУШЁР

***Яқинда Сирғали тумани ҳокимияти маҳалла оқсоқоллари, уй-жой ширкатлари раислари ва маҳалла профилактика нозирлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Сирғали тумани ҳокими Р.Розмуҳамедов, Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи муовини З.Бобокалонов, Иттифоқ маҳалласи оқсоқоли А.Рўзиев ва бошқалар жамоат тартибини сақлаш ва маҳалла посбонлари фаолиятида амалга оширилаётган тадбирлар, мавжуд камчиликлар хусусида ўз фикрларини билдирдилар.***

Бугунги кунда тумандаги 33 та маҳаллада фаолият кўрсатаётган посбонлар сони 350 кишини ташкил қилади.

Туман милиция таянч пунктларида профилактика инспекторлари маҳалла фаоллари ва посбонлари билан ҳамкорликда ҳудудда содир этилган жиноятларни таҳлил қилиб, «Хонадон», «Тун» ва бошқа профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Маҳалла посбонларининг жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни фош этишда ҳиссалари жуда катта бўлмоқда. 2002 йилнинг 2 ойи давомида маҳалла посбонлари иштирокида 16 та жиноят фош этилди.

Шунингдек, йиғилишда ўта хавфли жиноятчиларни қўлга олишдаги жасоратлари учун Ҳабибий ва Иттифоқ маҳаллалари посбонлари А.Ҳидоятов ҳамда Г.Малхасянларга ҳокимлик, шаҳар ИИББ ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасининг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Ниғмонжон ШАМСИЕВ,**
**«Маҳалла» жамғармаси Сирғали тумани бўлинмаси раиси.**

*2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили*

# КЕКСА ҚАЛБЛАР ТУҒЁНИ

***Қарияга сўз берилар экан, ўзини тута олмай кўзларига ёш олди. Бу шубҳасиз қувонч ёшлари эди. Бу мустақил диёримиз, қарияларга ғамхўр Президентимиз, меҳр-оқибатли маҳалладошларга билдирилаётган миннатдорчилик томчилари эди.***

- Мен 81 ёшга тўлдим, - деди Ҳамро бобо Рўзиев. - Ўша қақшатли уруш йилларида, жанг майдонларида кўнглимга қўрқув, кўзимга ёш келган эмасди. Бугун маҳалладошларим кўрсатаётган ҳурмат-эътибор, одамгарчиликдан ниҳоятда тўлқинланиб кетдим. Президентимизга, мустақиллик сарбонига минг раҳмат. 2002 йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши, биз кексаларга бўлган эътибор, эъзоздан мамнунлик ҳиссини туймасдан иложимиз қанча.

Мен бу ерга тўпланган барча қариялар, тенгдошларим номидан шуни очиқ тан олиб айтмоқчиманки, маҳалладошликнинг қадр-қиммати ўзгача. Ёшлар буни тўғри тушунишини истайман.

Ташаккур маҳалладошлар, миннатдорман қадрли оқсоқол!

Қарши шаҳридаги қадимий маҳалла - Чармгарда куни кеча «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан бўлиб ўтган «Қариси бор уйнинг баракаси бор» деб номланган маънавий-маърифий кечада ана шундай дил сўзлари бу ерга таклиф этилган 80 ёшдан ошган 300 отахон ва онахонларнинг ҳар бири тилидан янгради.

Ростини айтганда, бу маҳалладаги ташкилотчилик, меҳр-оқибат, мурувват бошқалариникидан тубдан фарқ қилади. Одамлари хушфеъл, хазил-мутойибага мойил, дастурхони очиқ, маданиятли, шинаванда... Оқсоқол Эркин Файзиев ҳам исми жисмига монанд барчага баробар эркин, файзли одам.

Қариялар йилини чинакам ҳурмат, эъзоз, меҳр-мурувват йилига айлантиришга аҳд қилишган, маҳалладошлар. Бу тадбирларнинг ҳар бирида кўпни кўрган Хайри ота Файзуллаев, Аҳмад бобо Маҳмудов, Шамси бобо Шарипов, Дилмурод ота Эшматов, Шамси Умаров, Райим Ражабов маҳалла, котиби Озода Ҳакимова, хотин-қизлар сардори Озода, Сайёра Зоироваларнинг муносиб ўрни бор.

Тадбир борки дастурхон ёзилади, ош тортилади. Ана шундай пайтларда маҳалла тадбиркорлари, Илҳомжон Омонов, Нарзулла Эшмуродов, Неъмат Шукуров, ака-ука Дилшод, Зафар, Баҳром Файзиев, Миржаҳон Ражабов, Зайни Пайзиевлар дастурхонларни дид билан безаб, топганларини маҳалладошлари билан баҳам кўрадилар. Бугун ҳам ана шуларнинг ҳиммати билан тўкин дастурхон ёзилди, 35 қарияга эсдалик совғалари улашилди.

- Мен 86 ёшдаман, - дейди татар миллатига мансуб Фотима момо Калимулина. - Бутун фаолиятим муаллимлик билан ўтди. Евгения Воробёва чуваш, Шурахон Саидова украин фарзанди. Биз ўзимизни сираям ўзбеклардан, ана шу маҳалла аҳолисидан айри тасаввур эта олмаймиз. Чунки ўзбекларга турмушга чиқдик, ўғил-қизли бўлдик, яхши-ёмон кунларимизга маҳалла яради, қўни-қўшнилар мададкор бўлишди. Улар ҳамиша биздардан хабардор.

Тўхта момо Ҳалимова, Роҳат ая Бегматовадек ёлғиз кексалар ҳам айни вақтда сира ўзларини якка сезмайдилар.

Маҳалла оқсоқоли Эркинжон Файзиевнинг қарияларга қарата дилдан айтган шоирона сўзлари барча-барчани ларзага солди десак, муболаға бўлмас.

- Сизларни нафақат Чармгар маҳалласи фуқаролар йиғини, балки бутун шаҳар, қолаверса вилоят ибратли оила соҳиблари, маънан бой, бағрикенг, меҳридарё эл-юртнинг фидойи фарзандлари сифатида билади, шу боис беҳад қадрлайди, - деди оқсоқол. - Юртбошимиз 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилганларида, Сиз азизларни Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашда яловбардор бўлишингизга, кўпчиликни ўзига эргаштириб, мустақил Ўзбекистонни янада буюк, янада суюк, янада қудратли этишингизга ишонч билдирадилар.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

## «MAHALLA» - УЧРАШУВ МАНЗИЛИ

Менинг ёшим 73 да, меҳнат фахрийсиман. Газетанинг 2002 йил 13 март сонида «Mahalla» хат қутисидан берилган «Хабар йўлланг, кутамиз» мақоласини ўқиб беҳад мамнун бўлдим. Аминманки, ҳар бир фуқаро ўзи яшаётган маҳалланинг ҳаёти, яхши тадбирлари, ёки мавжуд муаммолари ҳақида газета саҳифаларида фикр билдиришни истайди. Айниқса, республикамиз маҳаллаларидаги ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам бир-бирига ўхшайди. Бирон муаммо ижобий ҳал бўлгани газетада ёритилса, худди шу муаммонинг бошқа жойда ҳам ижобий ҳал этилишига туртки бўлиши мумкин. Менимча, газетангиз юртимиздаги маҳаллалар учун ўзига хос тажриба алмашув минбари, учрашув манзили ҳамдир. Шундай экан, маҳаллаларимиз ҳаёти, ютуғию камчиликлари ҳақида албатта сизга хабар бериб турамиз.

**Турдиали ЛАТИПОВ,**
**Наманган вилояти Поп тумани Ғурумсарой қишлоғи.**

# ШАКАРФУРУШЛАР

***Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил октябрь ойида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.***

Айрим истеъмол товарлари нархлари сунъий равишда ошириб юборилишига йўл қўймаслик, шунингдек, уларни мамлакат ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетиш ҳолларига барҳам беришга қаратилган мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш департаменти ходимлари зиммасига ҳам юкланган.

Ун, шакар, ёғ каби кундалик эҳтиёж учун зарур маҳсулотларнинг баъзи ҳолларда сохта тадбиркорлар қўлига тушиб, бозорларда нисбатан қиммат нархда сотилаётгани сир эмас. Ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, улар бу маҳсулотларни қаердан оляпти?

Департамент ходимларининг «Тошкентозиқовқаттаъминот» жамиятида ўтказган текшируви натижалари саволимизга жавоб топишга ёрдам беради. Боиси, мазкур жамият ходимлари Тошкент шаҳар савдо ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти томонидан Россия Федерациясидан олиб келинган шакар маҳсулотларини аҳолига белгиланган қоидага биноан чакана нархда эмас, балки юқори нархларда сотган.

Шунингдек, ушбу жамиятнинг масъул ходимлари «Дўмбирободсавдо 3» жамоа корхонасига белгиланганидек, 1,5 тонна эмас, 5 тонна шакар бериб юборган. Ушбу корхона раҳбари О.Қорабоев эса ўз йўлида ортиқча маҳсулотнинг ҳар бир килограммини 520 сўмдан ҳеч қаерда ишламайдиган А.Атамуҳамедовга пуллаган. У эса маҳсулотни яна бошқа бир кишига устига 20 сўм қўйиб сотаётганида қўлга тушди.

Кўриб турганингиздек, кимнингки шакар қопга қўли тегса, унга «ўз улуши»ни қўшаверган. Товарнинг нархи қимматлашаверган. Яхши ҳамки прокуратура ходимлари баъзида текшириш ўтказиб туради

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Шу соннинг

**2-САҲИФАСИДА**

* «Футболимиз келажаги» турниридан биронта маҳалла, биронта ўсмир ҳам четда қолмаслиги керак.
* Финал баҳсларида қатнашган ўсмирлар спорт мактабларига имтиёзли қабул қилинади.

**3-САҲИФАСИДА**

* «Маҳалла - инсон қалбидаги меҳрни намоён этувчи маскан»
* Оммавий шартнома ҳамма учун бир хил экан!

**4-САҲИФАСИДА**

* Навоийга мақбул бўлган Қабулий...
* «Индамади» қўшиғини куйлашни, «Насрулло» куйини тинглашни хуш кўрадиган санъаткор.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар:
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-53-75
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

